

## УМУМ ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

Жиззахдавллат педагогика институти  
умумий психология кафедраси ўқитувчиси  
Мамарайимова Раъно Усмановна,  
Педагогика ва психология йўналиши 1-  
босқич магистри М.Эшпўлатова

**Аннотация:** Мазкур мақолада бугунги глобаллашув жараёнига хос бўлган муаммолар, Умум таълим мактабларида психологик хизматни ташкил этишнинг мазмун моҳияти масалалари ёритилган.

**Таянч сўзлар:** глобаллашув, таҳдид, жараён, барқарорлик, мафкура, «оммавий маданият», тарбия жараёни, миллий қадриятлар.

Бугунги кунда давлатимиз таълим соҳасидаги ислоҳатлари янги кишини шакллантириш вазифаларининг хилма-хиллиги ва мураккаблиги бўлажак педагоглар тайёрлаш масаласини халқ таълими ва олий таълим вазирлиги ходимларининг олдига, педагогика институтлари ҳамда педагогика университетлари раҳбарлари, профессор-ўқитувчиларининг олдига долзарб қилиб қўймоқда. Мактабга моҳир педагоглар керак. Педагоглик маҳорати эса ўқув-тарбиявий фаолиятнинг барча турларини қулайлаштиришни моҳирлик билан уддалашдан иборат. Психология фанида жуда катта билим хазинаси, тавсиялар жамланган. Бўлажак ўқитувчилар уларни эгаллаб олишлари лозим бўлади. Лекин, афсуски, олий ўқув юртининг психология дастури умумий, ёш психологияси ва педагогик психология (болалар психологияси) бўйича оз миқдордаги курслардан ташқари, муомала психогигиенаси, шахс психологияси, мактаб психологиясининг иши юзасидан билим бермайди. Педагогика олий ўқув юртининг дастурида психологик диагностика ва психологик тузатишлар

киритиш, мулоқот психологияси юзасидан махсус амалий машғулотлар ўтказиш кўзда тутилмаган, холбуки бундай билим асослари педагоглик маҳоратига эришиш учун ниҳоятда зарурдир.

Психологиядан топшириқлар системасини ўз ичига олган бўлиб, улар мактабга психологик хизмат кўрсатиш мақсадида тузилган ва ўқувчилар шахсини, ўқувчилар жамоасини амалий жиҳатдан билишга, дарсни психологик жиҳатдан таҳдил қилишни билиб олишга, мактабда психологик-педагогик консилиум, касб танлашга йўллаш ишлари таркибий қисмларини ташкил этиш ва ўтказишга, психодиагностика ишларини ва психик тузатиш таркибий қисмларини бажаришга, ўқувчилар билан психологиядан суҳбатлар ўтказишга қаратилган.

Умумтаълим мактабларининг психология хизматини ташкил этиш, йўлга қўйиш жараёнида вужудга келадиган асосий муаммоларидан бири ўқитувчилар ва психологларнинг ўзаро ўхшаш муносабатларини ташкил этиш муаммосидир. Ҳозирги вақтда мактабларимиз педагоглар ва оналарнинг психологик билимлари етарлича эмаслиги туфайли пайдо бўлаётган муаммолардан азият чекмоқда. Бу муаммоларни ҳал қилмасдан туриб, мактаб ҳаётини инсонпарварлаштириш ва демократиялаш ишини амалга ошириб бўлмайди. Мамлакатимизда ҳар минг кишига АҚШ га нисбатан 375 марта оз психолог тўғри келади. Мутахассисларнинг камлиги мактабда ва мактабгача тарбия муассасаларида, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида психология хизматининг ривожланишига тўсқинлик қилаётган сабаблардандир. Мамлакатимиз ўқитувчилар ижодий уюшмасининг дастурида шахснинг устун мавқеда туриши зарурлиги айтиб ўтилган. Дастлабки ИДУМлар ишлай бошладилар, уларнинг вазифаси иқтидорли болаларни аниқлаш ва ўқитишдир. Бундан мақсад миллий бойлик ақл-идрок ва истеъдод — асраб-авайланади ва қулай шароитларда ривожланади.

Ушбу илмий мақолада ёритилаётган психология фанидан педагогик амалиётни ташкил этиш тўғрисида услубий кўрсатмалар ва талабларнинг

берилиши ақлий заиф ва жисмоний камчиликлари бўлган болаларга ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш бўйича Россияда Л.С. Виготский номидаги фонд ташкил этилган. Тарбияси қийин болаларнинг ота-оналарига, бевосита табияси оғир болаларнинг ўзига ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш лойиҳалари ишлаб чиқилган ва ҳаётга тадбиқ этилмоқда.

Психология хизмати — бу инсонга қийин вазиятларда ёрдам кўрсатиш, бу одатдан ташқари шароитга кўникишда ёрдам беришдир. Психология хизмати — бу шахснинг муваффақиятли ўқиши, касб танлаши, ривожланиши, ҳаёт йўлини танлаши учун ўз билимини англаб етиш ва кўлланилишида ёрдам кўрсатишдир. Бу хилдаги ёрдам деярли ҳаммага: болаларга ҳам, ўсмирларга ҳам, йигит-қизларга ҳам зарур. Кўпинча шундай бўлади: киши қийин вазиятдан қандай қилиб чиқишини билмайди, шундай пайтда четдан хайрихоҳдик билан кўрсатилган ёрдам унга муаммони ҳал қилишининг янги йўллари топишига, янги вазиятни билиб олишига кўмаклашади.

Психологик хизмат қалтис ёш даврида бўлган кишиларга айниқса зарурдир. Булар — мактабга кириш, бошланғич мактабни тамомлаш, ўсмирлик даври, мактабни тамомлаш ва ҳаёт йўлини танлаш давридир.

Психологга ёрдам бериш ва у билан ўзаро ёрдамни амалга ошириш учун бўлаяшқ ўқитувчи психодиагностика асосларини ва психологик тузатиш киритиш элементларини ўзлаштириши зарур бўлади. Педагогик амалиёт яшраёнида ўқувчиларни ва ўқувчилар жамоаларини ўрганиш кўникмаларини ривожлантириш, ўзини «психолог» сифатида синаб кўриш керак, чунки ўқувчи ва синфни ўрганишнинггина ўзи кифоя қилмайди, шу билан бирга психологик жиҳатдан ёрдам кўрсатишга иетилиш ҳам зарур.

Миллат боқийлиги, шажараларимиз софлиги, сулолаларимизни жисмонан бақувват, маънан сорлом, бир сўз билан айтганда, комил инсон қилиб тарбиялаш бугунги ёшларга кўрсатилаётган эътиборга, хусусан, уларга кўрсатилаётган малакали психологик хизматга ҳам боғлиқ.

Психологик хизмат педагогик, дидактик стратегиянинг муайян шакли

бўлиб, у одамларда ихтиёрий муаммо, мавзулар юзасидан эркин, очик ўйлаш ва шахсий фикрларни бемалол баён этиши учун шароит яратишга ёрдам беради. Мазкур хизмат йўналиши турли хил ғоялар ўртасида алоқалар тўғрисида фикрлаш имкониятини берувчи тузилмани аниқлашни талаб этади. У аниқ объектга йўналтирилган фикрлаш шакли саналади. Психологик хизмат туридан фойдаланиш инсон мия фаолиятининг ишлаш тамойили билан боғлиқ равишда амалга ошиб боради.

Шундай экан, А.Қодирий номли Жиззах давлат педагогика институтининг «Психология» кафедраси қошида ташкил этилган «Психологик хизмат кўрсатиш маркази ва лабораторияси» айна дамда энг долзарб аҳамият касб этади.

Мазкур «Психологик хизмат кўрсатиш» Маркази да қуйидаги хизматлар ташкил этилган:

«Психологик хизмат кўрсатиш» Маркази барча турдаги таълим ва тиббий муассасалар, корхона ва ташкилотларнинг педагог, ишчи-мутахассис ходимларига, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларга психологик хизмат кўрсатиш ишлари билан шуғулланади.

- «Психологик хизмат кўрсатиш» Маркази шаҳар ва туманлар суд, прокуратура, ички ишлар, хотин-қизлар қўмиталари, халқ таълими ва ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари билан ҳамкорликда ёшлар ўртасида гиёҳвандликка қарши кураш, ўз жонига қасд қилиш (ўзини осиш, ўт қўйиш, ўткир химикатлар истеъмол қилиш ва ҳақозолар) нинг олдини олиш, ёшларнинг бўш вақтлари мазмунли ташкил этилиши юзасидан амалий - психологик иш олиб боради.

- Ҳар ойда психологик марказ томонидан вилоятдаги ҳарбий қисмларда зобитлар ва хизматчилар билан долзарб мавзуларда суҳбат ва маърузалар уюштирилади. Уларга психологик маслаҳатлар берилади (шартнома асосида).

- Марказ вилоятдаги «Никоҳ уйи»лари ҳамкорлигида оила қураётган ёшлар билан турли психологик тушунтириш ишларини олиб боради.

• таълим муассасалари ва вилоятдаги фаолият юритаётган корхона, ташкилот ҳамда турли ташкилотларга психологик хизмат кўрсатишни йўлга қўйишни мақсад қилган.

«Психологик хизмат кўрсатиш» Маркази эл-юрт фаровонлиги ва юртимизнинг гуллаб яшнаши йўлида замон талабларидан келиб чиқиб, барча турдаги таълим ва тиббий муассасалари, корхона ва ташкилотларнинг педагог, ишчи-мутахассис ходимларига, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларга психологик хизмат кўрсатиш ишлари билан шурулланади.

Мактаб амалиётчи-психологи қандай талабларга жавоб бериб нима ишларни ўз фаолиятида амалга ошириш керак?

Мактабдаги психологик хизмат, мактаб амалиётчи-психологи доимий мактаб муҳитини билиш ва ўқитувчилар ва ўқувчилар билан олиб бориладиган ишларни талаб даражасида бўлишини таъминлаши керак.

Мактаб амалиётчи-психологи таълим тизимидаги психологик хизматнинг қуйидаги йўналишларини билиши зарур:

- Психопрофилактик ишлар.
- Психодиагностик ишлар.
- Ривожлантирувчи ва коррекцион ишлар.
- Психологик маслаҳат ишлари.
- Маданий оқартув ишлари.
- Касбга йўналтириш ишлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиши зарур.

Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг оилавий аҳволларини ўрганиб чиқиши, Уларни нукляр ёки кичик оила, оила саломатлиги, оила никоҳининг мустаҳкамлиги ҳақида маълумотга эга бўлиши лозим.

Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг оилавий, педагогик қобилияти, характер хусусияти, темпераменти, иродавий иш салоҳияти ва саломатлигини билиш лозим.

<<Бахт — саодатга эришув ва тугма қобилиятларнинг ривожланиши

ўз-ўзича бўлавермайди, балки бу масалада қандайдир бир муаллим ёки раҳбарга мухтожлик туғилади» деган эди буюк мутафаккир Абу Наср Фаробий.

Ҳар бир соҳанинг ўз устаси-муҳандиси бўлади. Ҳар бир соҳанинг, айнан бола шахси, инсон қалбининг муҳандислари психологлар ҳисобланади. Педагогларнинг яқин кўмакдоши, инсон руҳияти, қалби, ички дунёсига йўл топа оладиган кишилар психологлар экан, улар ўз соҳасини чуқур ва мукамал ўрганишлари керак. Шу маънода психологнинг амалий вазифаларига тўхталсак, у таълим-тарбия жараёнида бир қанча вазифаларни бажаради.

Психологик хизматни ўқитувчи ва ўқувчиларга тарриб қилиш, таълим-тарбия жараёнида юзага келиши мумкин бўлган камчиликлар ва нуқсонларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар, ўқувчилар,

ўқитувчилар ва ота-оналар характеридаги мавжуд нуқсонлар ва салбий хусусиятларни шакллантириш, уларнинг касбий ва шахсий муаммоларини ҳал қилишда психологик йўл-йўриқлар кўрсатиш ва маслаҳатлар бериш ҳамда уларнинг оилавий касбий ва шахсий хусусиятларини атрофлича ўрганиш, ўқувчиларнинг келгусида ўзларига муносиб касб-ҳунарни танлаб олишлари учун ҳар томонлама ёрдам уюштириш психологик хизматнинг мазмунини ташкил этади.

Психологик хизматнинг муҳим томони шундаки, у шахснинг жисмоний, руҳий ва маънавий шаклланишига хизмат қилади. Бу эса баркамол соғлом авлодни тарбиялашда муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Умумтаълим мактабларида психологик хизматнинг аҳамияти муҳимдир. Амалиётчи психологларнинг иш кўлами жуда кўп қирраларни ўз ичига олади. Бу эса мактаб амалиётчи психологларида катта масъулият, ўз ишига ижодий ёндашувни талаб қилади.

## **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Mamaraimova, R. (2022). ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИНГ ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАР ЁРДАМИДА ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ МАЗМУН

МОҶИЯТИ. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании*, 2(5). извлечено от

<https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5112>

2.Ra'no Mamaraimova, КИЧИК МАКТАБ ЁШИ ЎҚУВЧИЛАР КОМПЕТЕНТЛИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БАЎЗИ ЖИҲАТЛАРИ, *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании: № 2 (2021): Журнал педагогика и психологии в современном образовании*

3.Shirin Kamolova, ПРЕЕМСТВЕННОСТЬ ФОРМИРОВАНИЯ МИРОВОЗЗРЕНИЯ СТУДЕНТОВ НА ОСНОВЕ ОБЩЕЧЕЛОВЕЧЕСКИХ ЦЕННОСТЕЙ, *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании: № 1 (2021): Zamonaviy ta'limda pedagogika va psixologiya fanlari*

4.Shirin Kamolova, THE ROLE OF UNIVERSAL AND SCIENTIFIC VALUES IN THE SPIRITUAL DEVELOPMENT OF FUTURE TEACHERS, *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании: № 2 (2021): Журнал педагогика и психологии в современном образовании (октябрь)*

5.Shirin Kamolova, ЎҚИТУВЧИ ПЕДАГОГИК ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ, *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании: Том 2 № 5 (2022): Журнал педагогика и психологии в современном образовании (январь)*

6.Shirin Kamolova, ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИНТЕРАКТИВНЫХ МЕТОДОВ В ОБРАЗОВАНИИ ЯВЛЯЕТСЯ ТРЕБОВАНИЕМ СЕГОДНЯШНЕГО ДНЯ, *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании: № 2 (2021): Журнал педагогика и психологии в современном образовании (октябрь)*

7.Shirin Kamolova, АВЕСТОДА АХЛОҚИЙ ИДЕАЛ ВА УНИНГ ИЖТИМОЙИ- ПСИХОЛОГИК КЎРИНИШЛАРИ, *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании: № 3 (2021): Zamonaviy ta'limda Pedagogika va psixologiya fanlari (Noyabr)*

8. Shirin Kamolova, [IMPLEMENTATION OF PEDAGOGICAL ETHICS IN FUTURE TEACHERS](#), [Журнал Педагогика и психологии в современном образовании: № 3 \(2021\): Zamonaviy ta'limda Pedagogika va psixologiya fanlari \(Noyabr\)](#)

9. Kamolova, S. (2022). БЎЛГУСИ ЎҚИТУВЧИЛАР КОММУНИКАТИВ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании*, 2(6). извлечено от

<https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5195>

10. Kamolova, S. (2022). ТАЛАБАЛАР ИЛМИЙ ДУНЁҚАРАШИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании*, 2(6). извлечено от

<https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5197>

11. Axmedova, N. (2022). КИЧИК МАКТАВ YOSHDAGI О‘QUVCHILARDA ТА’ЛИМ JAROYONIDA MOTIVATSIYANING О‘РНИ. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании*, 2(6). извлечено от

<https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5270>

12. Kamolova, S. U., Shakarbaeva, S. A., Yuldashev, S. A., & Ochilov, C. Q. (2020). The Essence Of The Content Of Enriching The Scientific Outlook Of Future Teachers. *Essence*, 29(8), 3593-3598.

13. Kamolova, Shirin Usarovna, & O‘Skanov, Mirsaid (2022). BOSHLANG‘ICH SINIF О‘QITUVCHILARINING KOMMUNIKATIV QOBILİYATLARINI SHAKLLANTIRISH JIHATLARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (2), 676-681.

14. Kamolova, Shirin Usarovna, & Axmedova, Fotima Xurramovna (2022). SOG‘LOM SHAXS HAYOTIDA PSIXOLOGIK XIZMATNING О‘РНИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (2), 630-636.

15. Nuriddinova, K. S., & Meliyevna, P. N. (2022). Characteristics of Environmental Education Issues in Avesto. *International Journal of Discoveries*



and Innovations in Applied Sciences, 2(2), 69–72. Retrieved from <https://openaccessjournals.eu/index.php/ijdias/article/view/1053>

16. Usarovna, K. S. (2022). The Importance of Cognitive Processes in the Formation of a Scientific Worldview among Students. International Journal of Discoveries and Innovations in Applied Sciences, 2(2), 78–83. Retrieved from <https://openaccessjournals.eu/index.php/ijdias/article/view/1055>

17. Jumanova, N., & Abduvalieva, N. A. (2022). BO'LAJAK O'QITUVCHILARDA KASBIY KOMPETENTLIKNI RIVOJLANTIRISH. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 2(5). ИЗВЛЕЧЕНО ОТ

<https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5107>

18. Kamolova, S. U., Shakarbaeva, S. A., Yuldashev, S. A., & Ochilov, C. Q. (2020). The Essence Of The Content Of Enriching The Scientific Outlook Of Future Teachers. *Essence*, 29(8), 3593-3598.

19. Kamolova, Shirin Usarovna, & O'Skanov, Mirsaid (2022). BOSHLANG'ICH SINF O'QITUVCHILARINING KOMMUNIKATIV QOBILİYATLARINI SHAKLLANTIRISH JIHATLARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (2), 676-681.

20. Kamolova, Shirin Usarovna, & Axmedova, Fotima Xurramovna (2022). SOG'LOM SHAXS HAYOTIDA PSIXOLOGIK XIZMATNING O'RNI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (2), 630-636.

21. Nuriddinovna, K. S., & Meliyevna, P. N. (2022). Characteristics of Environmental Education Issues in Avesto. International Journal of Discoveries and Innovations in Applied Sciences, 2(2), 69–72. Retrieved from <https://openaccessjournals.eu/index.php/ijdias/article/view/1053>

22. Usarovna, K. S. (2022). The Importance of Cognitive Processes in the Formation of a Scientific Worldview among Students. International Journal of Discoveries and Innovations in Applied Sciences, 2(2), 78–83. Retrieved from <https://openaccessjournals.eu/index.php/ijdias/article/view/1055>

23. Жуманова, Н. Ш., Тошпулатова, Н. Х., & Комилова, А. С. (2016). Развитие

инновационных систем в образовании. Молодой ученый, (4), 777-778.

24. Majidov, Jasur Baxtiyarovich (2022). SOTSIAL INTELLEKT VA UNING INSON HAYOTIDAGI O'RNI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (2), 608-613.

25. Маджидов, Д. Б., & Шарофиддинов, А. (2017). Социальный интеллект как совокупность способностей, обеспечивающих адаптацию личности в обществе. In *Актуальные вопросы современной психологии* (pp. 22-24).

26. Majidov, J. (2021). ВОПРОСЫ ГАРМОНИИ ПРЕДСТАВЛЕНИЯ МОЛОДЕЖИ О СЕМЕЙНОЙ ЖИЗНИ И УДОВЛЕТВОРЕННОСТИ СЕМЕЙНОЙ ЖИЗНЬЮ. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 1(1). извлечено от

<https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/1369>

27. Majidov, J. (2021). НЕКОТОРЫЕ ОСОБЕННОСТИ ПРОЯВЛЕНИЯ ЧУВСТВА ОДИНОЧЕСТВА В ПОДРОСТКОВОМ ПЕРИОДЕ. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 1(1). извлечено от

<https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/1375>

28. Sherboevna, N. J. (2020). THE USE OF INTEGRATED TECHNOLOGIES IN THE CULTIVATION OF CHILDREN'S SPEECH IN PRESCHOOL EDUCATION. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences* Vol, 8(2).

29. Dilfuza Qarshiboyeva, [КРИТИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ У ПОДРОСТКОВ](#), *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 (2021): Zamonaviy ta'limda pedagogika va psixologiya fanlari*

30. Dilfuza Qarshiboyeva, [IMPORTANCE OF PSYCHOLOGICAL KNOWLEDGE IN LEARNING FOREIGN LANGUAGES](#), *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: Том 1 № 4 (2021): Zamonaviy ta'limda Pedagogika va psixologiya fanlari*

31. Qarshiboyeva, D. (2021). ЁШЛАРНИ КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШДА ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР ҲАҚИДАГИ БИЛИМЛАР УЗЛУКСИЗЛИГИ. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, (2). извлечено от

<https://art.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/2906>